

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ ТАЙЁРЛОВ ГУРУХ БОЛАЛАРИ
МАТЕМАТИК ТАЪЛИМИНИ ЎЙИНЛАР ВОСИТАСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Кодирова Гулнора Мухамаджоновна

АДУ магистранти

Калит сўзлар: педагогик технологиялар, ўйин, фаолият, ижтимоий ҳодиса, тасаввур, чамалаш, тўплам, сон, самара, илғор, муаммо, вақт, оралик, сана. Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида таълим соҳаси эътироф этилди. Устувор соҳа бўлган мактабгача таълимни тубдан янгилаш, уни мазмунан бойитиш, таълим тизимига илғор педагогик технологияларни тадбиқ этиш ҳамда ривожланган таълим даражасига кўтариш мамлакатда олиб борилаётган таълимий ислохотларнинг асосий мақсади саналади.

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг таълим-тарбияси юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев эътиборида турган долзарб масалаларидан биридир. Давлат раҳбари томонидан йилдан-йилга мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилаётгани бежизга эмас. Зеро, мактабгача таълим таълим тизимларининг илк бўғини экан, бошқа таълим тизимларининг пойдевори ҳамдир. Демак, болаларнинг келажаклари ҳам шу ерда бунёд этилади. Зеро, Президентимизнинг – “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратаётганимиз бежиз эмас, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ёшлар тарбиясига бугундан эътибор бермасак, эртага кеч бўлиши мумкин”¹- деб таъкидлашлари бежиз эмас.

Ўсиб келаётган ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, дунёқараши, эътиқодини ўстириш, хулқ-атворини таркиб топтириш мактабгача таълим муассасаларидан бошланади ва бугунги кунда бу масала муассасаларнинг долзарб муаммоларидан

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasidan.

саналади. Ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари маънавий бойлик, ахлоқий поклик, жисмоний мукамалликни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий фаолликни тарбиялашни тақозо этади.


Маълумки, бола тарбиясидек ўта масъулиятли вазифани амалга оширишда, шубҳасиз, болалар ўйинининг алоҳида ўрни бор. Бу борада тарбияланувчиларнинг илк ёшидан бошлаб яхшиликка, ҳамжиҳатликка, чاقқонликка, дўстона муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган ўйин ва машғулотлар билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг асосий фаолият тури ўйиндир. Бола ўйнаб ўйлайди. У ўйин орқали ташқи олам билан танишади. Ўйин фаолияти болаларга сифатли таълим-тарбия беришда жуда қулай восита ҳисобланади. Ўйин - ижтимоий ҳодиса. У асрлар давомида олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Ўйин жараёнида бола ўзлигини намоён қилади. Ўйин унинг орзуларини, характер-хусусиятини очиб беради. Мактабгача таълим ташкилотларида бажариладиган ҳар бир машғулот ўйин тарзида олиб борилади. Бу жараёнда бола зерикмайди ва машғулот мақсадини аниқ тушуниб этади. Чунки ўйин орқали бажарилган машғулот болалар учун содда ва тушунарлидир. Мактабгача ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам қадамлар билан олға қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар. Ўйинлар орқали болаларда ижтимоий, юксак инсоний хислатлари ва ҳаёти давомида шаклланадиган характер-хусусиятлари ривожланиши билан бирга математик тасаввурларни шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Математик билим беришдан кузатилган амалий мақсадлар болаларнинг назарияни амалиётга боғлай олишидан, яъни машғулотлардан олинган билимларни амалий масалаларни ҳал қилишга, болалар тўплам ва сон ҳақида; катталиқ (микдор)ларнинг бир-бирига нисбати ҳақида, энг оддий геометрик фигуралар ҳақида бошланғич тасаввурга эга бўладилар, жой ва вақтни билишни ўрганадилар: болалар олган билимларини ўзларининг кундалиқ меҳнат ва ўйин фаолиятида ва маиший ҳаётида учрайдиган математикага доир савол ва масалаларни ҳал қилишга татбиқ эта билиш малакаларини ҳосил қилиш керак.

Масалан, тайёрлов гуруҳда болаларни вақт бўйича мўлжалга олишга ўргатиш машғулотларида “Бумеранг”, ““Битта ва кўп”, “Танлаб ол”, “Космодром”, “Темир йўл вокзали” каби ўйинлар орқали машғулотлар

ташқил етилса, бундай ўйинлар орқали ташқил этилган машғулотлар болалар учун қизиқарли бўлиши билан бирга, айна вақтда самарали ҳамдир.

Вақтни чамалаш. Болаларни соатларнинг турлари ва уларнинг тузилиши



(стрелкалари, сифрблати) билан

таништириш. Вақтнинг энг

кичик бирликлари сония ва

дақиқа ҳақида тушунча

бериш. Ярим соатгача

аниқликдаги вақтни белгилашга

ўргатиш.

Келгуси ой, сана номи билан

таништириш. Кеча қандай сана

бўлганлигини, эртага қандай сана

бўлишини айтишга ўргатиш.

Ҳафта кунлари ва йил фасллари

изчиллиги ҳақидаги билимларни

мустаҳкамлаш, келгуси ойнинг номини айтишни машқ қилдириш.

Ўрта гуруҳда тарбиячи болаларнинг фаол луғатларида сутка

қисмларининг номларини муштаҳкамлайди, болаларнинг вақтнинг бу

оралиқлари ҳақидаги тасаввурларини чуқурлаштиради ва кенгайтиради. У

доимо болалар эътиборларини сутка қисмларининг алмашилиши кетма-

кетлигига қаратади. Мактабгача

ёшдаги болалар ҳар доим эрталаб

кечасидан кейин келишини ва

кундузи билан алмашилишини,

кундузи кечқурун билан, кечқурун

эса кечаси билан алмашилишини

билиб оладилар.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори.
3. Адашбоев Т. Орзуларим – қўш қанотим. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 12.
4. Бобоёрова Г. Болаларни мактабга тайёрлашда интерфаол усуллардан фойдаланиш. Мактабгача таълим ж., 2007. 6-сон. -14 б. Қаямова Н. Мактабгача педагогика. Ўқув қўлланма. Тошкент-2013
5. Мактабгача педагогика. Ўқув-услубий мажмуа. Термиз-2018
6. П.Хўжаев, К.Д.Рахимкулов, Б.Б.Нигмонов Ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси. Тошкент-2010
7. Бикбаева Н.У. Ибрагимова З.И. Косимова Х.И. «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантириш» Т. «Ўқитувчи» 1995й
8. [хтп://уза.уз/оз/сосиетй/ўйин фаолияти](http://уза.уз/оз/сосиетй/ўйин фаолияти) 01-06-2018.
9. www.saviya.uz.